

СЮРПРИЗ

Саккиз күриниши комедия

Қатнашадилар:

Мурод – 50 ёйда, шаҳарлик майды чиновник.

Пардавой – Муроднинг собиқ курсдоши, қишлоқ фуқароси.

София – Пардавойнинг хотини, собиқ курсдоши.

Тоштемир – Пардавойнинг қўшиниси, собиқ курсдоши.

Тиркаш – 22-23 ёйда, Пардавой ва Софиянинг ўғли.

Келинчак – 17-18 ёйда, Пардавой ва Софиянинг келини.

Киши – 55 ёйда.

Сув талашувлар.

Воқеа шу кунларда чекка қишлоқда бўлиб ўтади.

Биринчи кўриниш

Саҳнада эллик ёшлардаги Мурод кўринади. У елкасига халта осиб олганидан узоқ сафарга ёки дам олишига отлангани билиниб туради. Йўл четида уёқдан-буёққа, буёқдан-уёққа бориб-келганича автобус кутади.

Сайдмурод(чўнтағидан поезд билетини олиб кўздан кечиради) Ҳа-а, ҳали поезд жўнашига вақт бор, вокзалга бемалол етиб бораман.(Билетни жойига солиб, ўзининг у ёқ-бу ёгини тўғрилаган бўлади. Ўнг қўлини мушит қилиб тенага кўтариб қўяди) Сюрприз қиласман, сюрприз! Пардавой Тожиев билан билла-билла ўтирганмиз...биринчи курсда, бир партада. Кейин у Софиянинг ёнига ўтиб кетди! София-чи, София! О-ҳо, София! София, о-ҳо! Унинг шеърлари...унинг шеърлари... (Эсламоққа уринади) Нимайди? Ҳа, бунақа.

Оҳ, она халқим,
Она халқим, оҳ!
Сенсиз мен ҳеч ким,
Мен ҳеч ким сенсиз.

Ўзи боплаб ўқирди. (Софиядай қилиқлар қиласади). София курғур...Хунук бир қиз билан билла-билла юарди...нимаймиш, чиройи бўртиб кўринармиш...энди янаям очилиб кетган бўлса керак...Бир ой! Отпускамни уларнинг ўша Чироқчисидаги қишлоғида ўтказаман! Айтмай, бостириб бораман! Ўттиз йил-а! Тоштемир, Абдуқаюм...курсдошлардан яна ким? (Ўйлаб қолади) Ҳа, топишиб олармиз. Мана янги янги ҳаёт...ҳаётимизни янгитдан зўр қилиб қурамиз, деб хайрлашишган эдик...(Маъюс бўлиб қолади) Мен ниятимга етолмадим! Шаҳар адо қилди, адо! Бир ой...ётиб оламан! Дўхтирам ҳаво янгиланг деди! Ўша маҳалларда манам кетворсам бўларкан...Аммо у маҳалларда шаҳар яхши эди. Тоза, озода. Одамларам бошқача эди, културнийроқ...очикроқ...саддароқ..Э-э...ҳаммаси барбод бўлди, ҳаммаси...Қанақа культура? Саҳродаги йиртқичлар! Шаҳармас –

Карбало дашти! Чанг-тўзон. Кур-кур...Нафас олиб бўлмай қолди-я! Ит-мушукларният аллергия қиб ташаяпти...ҳә, ебтўймас ютқичлар! (*Кетма-кет чучкиради*) Ўшанда...ўттиз йил аввал...Пардавой ҳам келишган йигит эдида...(ўзини унга таққосламоқчи бўлгандек у ёқ-бу ёгини айланиб қарайди) Бизам чаканамасдигу, шаҳар еди! Еб ташади! Еб тамом қилди! Чангу тўзони адо қилди! Нарху навоси тутатди! (*Қулогини кўрсатади*) Қулоқда лағмон...(икки бармоғини икки кўзига нуқиётгандек кўрсатади) кўзда лағмон...(тилини чиқариб кўрсатади) яна лағмон...(юриб кўрсатади) юрипмиз гердайиб! Э-э...эсиз умр! Қанақа эдик-а, қанақа эдик? Сафиядай соҳибу жамол ҳам...э-э...Пардавой бўлмаганида маники эди! Қаёқданам ўртадан Пардавой лоп этиб чиқди-ю, илди-кетди. (*Ўйланиб қолади*) Сафия, Сафия! У хуризод, у хусн ганжи, у зулфи сумансой, у соҳиб камол...бетонлар қуршаган бу шаҳарда менга қўшилиб хароб бўлиб кетарди. Тўзириди. Ўттизга кириб ўтин бўларди, қирққа кириб хашак! Йўқ, яхшиям Пардавой билан топишиб кетгани...Ўша Чироқчисида гўшт-ёғларга тўйиб, сут-қатиқлар ичиб экологически чиста бўлиб юргандир. Улар мени Навоийни қаршилаган ҳиротликлар каби кутиб олишади! Ўттиз йил-а! Урушда вайронага айланган Германиядай мамлакат ўн беш йилда қайта обод бўлиб кетган...Ўттиз йил-а! (*Бош чайқайди*) Кечагина эди... Сафия қанақа бўб кетганикин? Пардавойчи? Тоштемир-чи? Абдуқаюмчи? Бир ойда ҳали семириб кетмасам! Сафия...иззатимни жойига қўяди...

Мурод ютиниб, ширин хаёлга чалғиб турганида саҳна четида автобус сигнали товуши эшишилади. Мурод чўчиб ўзига келади, шоша-пиша ўша ёққа юради.

Иккинчи кўриниши

Саҳнада гарид аҳволдаги қишлоқ ҳовлиси. Ерсупа. Бир ёқда арава шотиси ётибди. Бир ёқда увадаси чиққан баллон. Эски темир қувур ташлаб қўйилган. Четда тандир, тандир ёнида қозон осилган ўчоқ, унинг ёнида човгумга мўлжассалланган учоқча. Икки-уч боғ гўзапоя. Янги тушгани билиниб турган ёшигина келинчак ҳар-ҳар замонда олдига тушиб кетаётган кокилларини ортга ташлаганича ашула айтиб ерсупа ёнида ҳовли супиряпти.

Келинчак

Ў, дўлалай, дўла-дўлалай,
Севги қизил лоладай...
Товуққа куриб катак,
Умид қилма булбулдан.
Сен ўзингга келинчак,
Изла бошқа овулдан.
Ў, дўлалай, дўла-дўлалай,
Севги қизил лоладай...

Эгнида эскириб тўзиган йўл-йўл матодан кастўм-шиим, бошида ўттиз йил бурунги шапка, оёгида титилаёзкан туфли – ташқи кўринишидан олтмишидан ошган, соқол-мўйловига анчадан буён тиг тегмаган Пардавой чарчоқ ҳолда кириб келади-ю, келинчакнинг ашуласига ҳайрон қулоқ тутиб туради.

Келинчак(ўзига-ўзи). Шунақаям ашула айтгим келиб кетяптики...кatta энам айтадиларки, ўйнаб-кулиб яйраб қол, шодонлигинг уч кун, ўттизга кирмай ўтин бўласан дейдилар...(Келинчак ашуласига монанд супиргисини гитара қилиб ўйин тушади)

Ў, дўлалай, дўла-дўлалай,
Севги қизил лоладай...

Пардавой(ўзига-ўзи). Тавба, тунов куни қишлоғимизга маънавият карвони келувди. Бир кампиршо минбарга чиқволиб оммавий маданият, оммавий маданият деб сайраганида ҳайрон қолувдим, нега бунақа бемаъни гапларни эшитишга бизни мажбур қилишади деб! Карвонда бўлсанг туюмасмисан девдим. Беҳуда сайрамаган шекилли. Шу бўлсамикан оммавий маданият? (Томоқ қириб) Ҳў, дўла-дўлалай, у қани?

Келинчак уялиб, дарҳол супиргисини пастга тушириб, одоб билан бошини эгади. Кўлини кўксига қўйиб, салом беради.

Келинчак. Ассалому алайкум, амаки.

Пардавой(бош иргаб қўйганча, бориб сўри четига ўтиради). Қани у?

Келинчак. Ким?

Пардавой. Катта дўла-дўлалай?

Келинчак(қўли билан сўри ортига ишора қилиб). Аммам молхонадалар.

Пардавой. Қачон қарама, молхонада! Ўзиям ҳаммаёқ молхона-полхона бўлиб кетди!

Келинчак. Молнинг мол бўлиши учун молга мол бўлиш керак, дейдилар.

Пардавой. Молнинг мол бўлиши учун молга мол бўлиш керакмикан?

Аммангни бу янги шиор-пиоримасми, ишқилиб?

Келинчак(кифт қисиб). Билмасам...(Супиришида давом этмоқчи бўлиб, нимадир эсига тушиб, хабар беради). Тоштемир бованинг аёллари чиқиб эдилар – Чамангул момо, молдан кўра товуқ барака деб, аммам билан анча тортишдилар.

Пардавой. Товуқмия!

Келинчак(узоқлашаётуб бу сўзни эшитиб, ортига гумон билан ўгириласди). Нима?

Пардавой(гаши келганини билдиримай). Нега чиққан экан Чамангул момонг?

Келинчак. Бир дўппи тухум олиб чиққан эканлар, шуни қатиқقا алмаштириб беринг деб.

Пардавой. Алмаштиридими?

Келинчак. Билмадим, савдолари пишмай турувди...(узоқлашиб, супиришида давом этади).

Пардавой(ўзига-ўзи норози). Ахвол шу! Ширт-ширт супиргидан бошқасини билмайди чоғи! А, аввал мундок чой-пой тутмайдими? Ҳай, аттанг! У бўлса – мол-мол деб, молхонадан бери келмайди...

Шу чоқ орқа томондан Сафиянинг товуши эшитилади.

Сафия

Хўшим молим говмишим,
Эмчакларинг совмишим,

Оралаб единг ўтингни,
Ийиблаб бергин сутингни.
Сени сийлаб боқайин,
Кўзмунчоқлар тақайин,
Қуралай кўз говмишим,
Туёқлари кумушим.
Зотли молим ҳўш-ҳўш,
Сутли молим ҳўш-ҳўш.

Пардавой дикъат билан қулоқ тутиб туради. Кейин бош чайқайди. Оғир хўрсинади. Ниманидир қидираётгандек осмонга қарайди.

Пардавой. Танишган чоғимизда шеър-пеъри бошқача бўларди. Жоним-поним, бегим-сегим дерди; энди молим-полим, говмишим-совмишим. Шу мол-полга берадиган эътиборининг ўндан бирини манга бермайди. Нимаймиш, мандан фойда йўқмиш! Кўнгил ториқиб, яқинлашсанг, сўна теккан чарс ғўнажин-пўнажиндек ўзини ортга ташайди, баҳона-саҳонаси ҳам отқозик-потқозикдек тайёр – вой биқиним-сиқиним, вой белим-мелим...кошкийди бел-мел қолган бўлса, чойхона самовари ундан хипчароқ, кошкийди биқин-сиқин қолган бўлса, дараҳтни оғушингга олсанг ундан ҳароратлироқ...э-э-э...

Пардавой ўзи билан ўзи бўлиб, ҳасратидан чанг чиқиб турганида сут белагини кўтарганча йўғон белига шол рўмолини белбоғ қилиб ўраган Сафия ўзини икки томонга ташлаганча чиқиб келади. Эрининг гапларига қулоқ солиб туради. Пардавой ортида Сафия турганини пайқамай давом этади.

Пардавой(ўзига-ўзи норози). Бир замонлар қанақа эди-ю, энди қанақа бўлиб кетди? Кўрган одам кўз-пўзига ишонмайди. Ҳа-ай, аттанг!

Сафия(чидолмай). Ҳа-а, нима бўлди? Яна кўзғалиб келяптими? Ҳа-ай, аттанг деб ўтиргунча молхонага бирров бош суқинг эди!

Пардавой(ҳайрон қолиб). Ие, қачон чиқдинг?

Сафия. Қаёқдан қачон чиқаман?

Пардавой. Молхона-полхонадан-да!

Сафия. Ҳар сўзни кўша-кўшалаб айтгунча, рўзгорниям кўша-кўшалаб қилиб қўйсангиз экан. Нима, чиқмасам борармидингиз?

Пардавой. Ўзи шунақага ўхшаб қоляпти. (*Супургига андармон келинчакни кўрсатиб*) Кўрсат, қарасин, шунча сарф-харажат қилиб...келин-пелин туширдинг.

Сафия. Келин-келин...супиргига ихтисослашган...бу келин.

Пардавой. Сен мол-полга ихтисослашмаган эдинг-ку? (*Эсига тушиб*) Шеър-пеър ҳам ёзардинг...нимайди...қанақайди...ҳа-а...

Оҳ, она халқим,
Она халқим, оҳ!
Сенсиз мен ҳеч ким,
Мен ҳеч ким сенсиз.

Сафия. Шу ўлгурни ёзиб бекор қилган эканман...

Пардавой. Ие...

Сафия. Айтганим бўлди-кўйди-да.

Пардавой. Айрилганни айик ер, бўлинганни бўри ер...халқ-палқ нима бўлса, қолган-солғанлар шу...

Шу маҳал кўча эшиги тақиллайди. Пардавой, Сафия, келинчак учови ҳаммалари тик турган ҳолда эшикка қараб қолишиади. Уларнинг қиёфасида, эшик тақиллататоётган ким бўлди экан, деган савол аломати туради. Пардавой ниманидир қидираётгандек теварак-атрофга аланглайди.

Пардавой. Тиркаш уйдамиди?

Пардавой шу сўзни айтгани заҳотиёқ кўзини ишқай-ишқай келинчакнинг турмуши ўртоги Тиркаш чиқиб келади.

Тиркаш. Ҳа, дада!

Сафия(ўзлига бошдан-оёқ син солиб ишионмагандек қараб чиқади). Куппа-кундуз ухлаб ётувдингми?

Пардавой. Бу ухлайди, келин ашула-пашула айтиб ҳовли-повли супириб юради.

Тиркаш. Ҳа, бошқа иш бўлмагандан кейин нима?

Сафия(тичинг қилиб). Қидириб, шунингизга кундузги смендаям бир иш топиб беринг.

Эшик яна тақиллайди. Тиркаш эшик томон юра бошлиганида Сафия уни тўхтатади.

Сафия. Тўхта...отанг бориб очсинлар.

Тиркаш. Нега? Мен-чи?

Сафия. Мелиса-пелиса қидириб келган бўлса...опкетиб қомасин...шўрим куриб қаёқка бораман кейин?

Келинчак бу гапни эшиитиб, Тиркашнинг тирсагидан бебилиски ушлаб уни ортга тортқиллай бошлидай. Пардавой хавотирга тушиб ўзини йўқотиб қўйгандек бўлади. Сафияга эланиб қарайди.

Пардавой. Ўзинг бориб очақол.

Сафия. Экишга сиз экингу балога қоладиган менми? Боринг ўзингиз!

Келинчак. Борақолинг, амаки!

Пардавой иккилана-иккилана, қўрқа-писа кўча эшиги томон юра бошлидай. Аҳён-аҳёнда ортига најсот истагандек қара-қараб қўяди. Тўхтаб қолади.

Сафия. Боринг!

Келинчак. Боринг, амаки!

Тиркаш. Боринг, дада!

Бу гаплар ўзини чоҳга итараётгандек эканини англаган Пардавойнинг хўрлиги келади. Шитоб бориб эшикни очади ва нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаётганида, қучогини очаётган Муродни кўриб, бу ким бўлсайкин, деб ҳайрон бўлиб қолади. Муроднинг юзидағи қувонч ифодалари йўқолиб, унинг ўрнини ҳайронлик эгаллайди, ҳафсаласи тир бўлиб, йўлдан адашган каби теварак-атрофга аланглайди. Ўзига келолмаган Пардавой миқ этмай унга қараб туради. Ахийри Мурод тилга киради.

Мурод. Ассалому алайкум, тоға...

Пардавой. Ваалайкум ассалом...Келинг...

Мурод. Пардавой Тожиевнинг уйими?

Пардавой сўзлашга ҳоли келмай бош ирғайди. Теварак-атрофга аланглаб ишонгиси келмаётган Мурод янам аниқлашириб олмоқчи бўлади.

Мурод. Аёлининг исми...Сафия эди...

Пардавой. Бу ишларда Сафиянинг алоқа-палоқасии йўқ. Нимаики гапингиз бўлса, мана мен билан гаплашаверасиз!

Мурод. Сиз унинг кими бўласиз?

Пардавой. Қонуний эри!

Мурод. Демак, сиз...

Пардавой. Ҳа, мен. Далага бордингизми?

Мурод. Қайси далага?

Пардавой. Бизнинг экин даламизга.

Мурод. Йўқ, тикка шу ерга келишим.

Пардавой. Абдураим сотдими?

Мурод(ҳайрон қолиб). Нимани?

Пардавой. Ўзи органданмисиз?

Мурод. Қанақа орган?

Шу чоқ хавотири оишган Сафия, унинг ортидан Тиркаш ва келинчак яқинлашиб келишади. Келинчак ажраб қоладигандек ҳамон Тиркашнинг тирсагига ёпишиб олган. Сафия таажжубда қолган Муродга ер остидан симрайиб тикилиб туради. Мурод ҳам унга қараганича нималарнидир эсламоққа зўр бериб уринади, пешонасини ушлайди. Сафиянинг эсига нимадир тушгандек бўлади. Пардавойни тирсагидан туртиб, уни чеккага имлайди. Қулогига нималарнидир шивирлайди. У шивирлагани сайин Пардавой Муродга хавотири оishiб қарайверади. Ахийри эру хотин унга ўгирилишиади.

Пардавой. Наҳотки...наҳотки...ростданми?

Мурод. Нима?..

Пардавой(Муроднинг Мурод эканлигини текшириб кўриши учун Сафияни сал олдинга итариб, уни кифтига кўрсаткич бармогини тираган ҳолда кўрсатади). Буни танидингизми?

Мурод(кифт қисиб). Бу холани...йўқ...қаёқдан таний?

Сафия(аччиғланиб четга) Хола эмиш...Юришарди ортимдан, қуйруқ ясад...

Пардавой(синовдан ўтмаган Сафияни орқага ўтказиб, ўзининг кўксига бармогини нуқиб кўрсатади). Мени-чи?

Мурод(зиқ бўлиб). Тоға, курсдошлар билан тўйга келганимизда эҳтимол кўришгандирмиз, аммо биласиз...канча вакт ўтди...

Тиркаш. Бизникига тўйга келганимисиз, амаки?

Мурод. Ҳа-а...келганимиз кўплашиб, курсдошлар билан...

Келинчак(тортиниброк). Курсдошмисизлар?

Мурод боши қотиб, гангид қолади. Сафиянинг аччиғи чиққанидан нима қиларини билмай туради. Ахийри Пардавой келган одамни ўзлари таниб, у буларни танимаётганини фаҳмлайди.

Пардавой. Об-бо...Шу экан-да, ўртоқ Мурод Тўраев!

Мурод(суюниб). Тоға, мени танийсизми?

Пардавой(Сафияни кўрсатиб). Холангиз ҳам сизга курсдош.

Мурод. Сафи-ия?..

Сафия(*ҳолатни ёдидан чиқазиб*). Мен сизни бир кўргандаёқ танидим.

Пардавой. Кўзларимга ишонгим келмаяпти.

Мурод. Мен ҳам даҳшатли қўрқинчли туш кўраётгандекман...

Сафия. Жуда ўзгариб кетибсиз-да ўзиям.

Мурод(*бошини ортга ташлаб қарайди*). Сизлар эса ҳамон ўша-
ўша...тариқчаям ўзгармабсизлар...

Сафия бехтиёр бу гапга ишониб ўша илгариги қизлик ноз-фироги билан
буралиб ўзини кўрсатади. Унинг бу ҳолати келинчакнинг кулгисини,
Тиркашнинг жаҳлини чиқазади.

Тиркаш(*норози оҳангда*). Она-а...

Пардавой. Қўявер, онанг ҳам ёш қиз бўлган бир маҳаллар...

Мурод(*четга*). Урвоғиям қолмабди...

Сафия. Бир нима дедингизми?

Мурод(*шошиб*). Йўқ, хотирангизга қойил...

Сафия(*шеърий сатр қироат қилаётгандек*). Ҳаммаси ёдимда...

Тиркаш(*норози оҳангда*). Она-а...

Пардавой. Қўявер, онанг шоира ҳам бўлган бир маҳаллар...

Мурод(*четга*). Ҳаёт трагедиясими...сатирасими ёки ҳазили...

Пардавой(*қучоқ очиб*). Ўттиз йил-а! Туришимизни! Келинг-да, бундок,
бағримга босай!

Улар қучоқлашиб кўриша бошлиши. Пардавой Муроднинг елкаларига
шапиллатиб уриб-уриб кўришиади.

Пардавой. Об-бо, Тўраев-э, бир ҳафсала қипсиз-да, а, кеб қолганингизни
қаранг-а! (*Четга*) Куруқ жасаднинг ўзи қопти-ку! Мансабдор-пансадбор
бўлмаса...почча-мочча бўлмаса...амма-памма бўлмаса...куёв-пуёв
бўлмаса...қайнитайни бўлмаса...уруғ-пурӯғ бўлмаса...катта шаҳарда осонми
яшаш?

Сафия(*Тиркаш билан келинчакка фахрланиб қарайди*). Пойтахти
азимдан мени эслаб кепти...

Тиркаш. Нега отамнимас, сизни эслаб келади?

Сафия. Отангни нимасини эслайди?

Тиркаш(*аччиғланиб*). Сизни нимангизни эслайди?

Сафия. Мен курсдоши бўлганман-да!

Тиркаш. Сиз отам билан ўқигансиз-ку, отам ҳам курсдош бўлади-ку?

Сафия. Аввал ман билан, кейин отанг билан курсдош бўлган!

Пардавой билан Мурод ҳамон қучоқлашиб, ҳол-аҳвол сўрашишида давом
этшишади.

Пардавой Бола-чака, қариндош-уруглар ҳаммалари соғ-омон
юришиптими, ишқилиб? (*Четга*) Жуда бўлмаса, мелиса-пелисада ишлаганга
шаҳар тузук... (Муродни қучоғидан бўшатиб) Қани, қани, ичкари кирайлик, ҳо-
й Сафия, қара пояндоз сол, пояндоз сол...

Пардавойнинг “пояндоз сол” деган сўzlари ҳар ёқларда акс-садо бераб,
турли-туман оҳангларда такрорланиб туради. Бу акс-садолар Сафиянинг ҳам
лапанлаганча югуриб кетишига сабаб бўлади. Шу асно мана шу акс-садолар

фонида фантасмагорик-хаёлий тарзда, реал воқеаликда бўлгандек кўринса-да, аслида орзу тимсолидаги меҳмон кутиши кўриниши саҳнада намоён бўлади. Бу кўринишида ўзбек халқи қадриятларидан бири бўлган меҳмон кутиши одати намоён бўлади. Пардавойнинг “пояндоз сол” деган сўзлари ана шу кўринишнинг ўзаги бўлиб хизмат қиласди.

Учинчи кўриниш. Хаёлий-фантасмагорик меҳмон кутиш.

Саҳна ёрқин ранглар билан безатилган. Шарлар, ранго-ранг ленталар осилган. Саҳна ўртасида тахтиравон қўйилган. Тахтиравонда Мурод ҳинд подиоси каби қўр тўкиб ўтирибди. Карнай-сурнайчилар саҳнанинг бир томонидан, иккинчи томонидан ногора-дўмбирачилар чиқиб келиб, меҳмонни қутлаётгандек унинг икки қулови остида ўз маҳоратларини намойши этишади. Сафия ҳинд аёли каби сарига ўраниб, хандон-хушион саҳнанинг у бурчидан-бурчига, бу бурчидан-у бурчига учайдигандек енгил одимлар отади. Пардавой ҳам ҳиндча кийимда, шопдай мўйловини бармоқлари орасида бураб туради. Тиркаш билан келинчак бир-бирига суюниб саҳна юлдузлари каби ўйин тушиб, қўшиклар куйлашади. Йигит-қизлар қарсак чалиб, жўровоз бўлиб уларни қўллаб-қувватлаб туришади.

Тиркаш

Ўйна туриб деганда, ўйна туриб,
Ўртанаман – куяман сени кўриб,
Ўртанганда – куйганда сени кўриб,
Эрмаклайсан – куласан, лабинг буриб.

Келинчак

Кийган тўнинг ярашган бўйгинангга,
Мен билмадим не сўз бор ўйгинангда,
Эрмакласам эрмаклай лабим буриб,
Индамасдан бориб ёт уйгинангга.

Ҳаммаси

Масжид бўлса, мадраса,
Хо ялло, ялло, ялло.
Бир одил пошшо бўлса,
Хо ялло, ялло, ялло.
Ҳар ким севганин олса,
Хо ялло, ялло, ялло.

Тиркаш

Бундан бордим, ётибсиз,
Пар ёстиқقا ботибсиз.
Пар ёстиқни кўтарсам,
Гулдай тоза ётибсиз.

Келинчак

Ҳасрат боғингдан,
Қуралай кўзингдан.
Ўлдира берсанг, куйдира бер,
Шаккар сўзингдан.
Алёр бўлсин-ай,

Хўжам ёр бўлсин-ай.
Хўжам берган бу давлатга
Душман зор бўлсин-ай.

Ҳаммаси

Масжид бўлса, мадраса,
Ҳо ялло, ялло, ялло.
Бир одил пошшо бўлса,
Ҳо ялло, ялло, ялло.
Ҳар ким севганин олса,
Ҳо ялло, ялло, ялло.

Тиркаш

Ойга ўхшайдир юзинг,
Чўлпонга ўхшайдир кўзинг.
Шунча ҳам яхши бўлурми,
Халқ ичида юлдузинг.
Сендан савол сўрайман, айт,
Неча яшар сенинг боғинг.

Келинчак

Худойимнинг ишин кўринг,
Фалакнинг гардишин кўринг,
Билмоқ бўлсангиз боғим ёшин,
Оғзин очиб тишин кўринг.

Келинчакнинг топқирилигидан ҳаммалари завқланиб, уни олқишилашиб югуриб кетишиади ва меҳмоннинг олдига катта хонтахта қўйиб, дастурхон ёзид, уни турли ноз-неъматлар билан тулғазиб ташлашиади. Саҳнанинг бир четида Сафия пергамент қозогозни узун ёйиб олиб пантамимо шаклида шеър ўқиётгани кўриниб туради. Белига узун ханжар тақиб Мурод билан Сафиянинг ўртасидатўсиқ бўлиб турган шопмўйловли Пардавой мўйлови учини бармоғи орасида бураётиб, Мурод унинг елкаси оша Сафияга қараётиб, Сафия пергамент панасидан Муродга тикилаётиб – ҳамма-ҳаммаси жойжойида қотиб қолади.

Томоша рекламачилари сифатида шифокорлар кийими кийиб олган бир аёл билан бир эркак устига катта-катта ҳарфлар билан ГУАНЖОУ ДОРИЛАРИ деган ёзув ёзилган қутиларни саҳна четига кўтариб чиқшишиб, бир-бирларига қийишанглаганча рекламани бошлиб юборшиади.

Аёл(жар солаётгандек). Кеб қолинг, кеб қолинг, эшиитганлар армонда, эшиитмаганлар дармонда!

Эркак(давом эттириб). Арzon нархларда, пулингиз ўзингиз билан кетади!

Аёл. Жигар, буйрак, талоқ, ўпка, ўтпуфак, оишозон, ўн икки бармоқчи ичак, йўғон ичак, ингичка ичак – барчасининг касалликларидан биратўла халос бўласиз!

Аёл. Сузак касалликлари, эркаклардаги простатит, аёллардаги миома, ҳар икки жинсдаги тутқаноқ, сийиб қўйиш касалликларни даволашда самарали даво!

Чорқараскчи йигит-қизлар қарсак чалганча “Гуанжоу дорилари”, “Гуанжоу дорилари” деб жүрөвөзликда қийқириб ўтишиади ва реклама тугаб, саҳнада қотиб қолғанлар яна жонланишиади.

Белига узун ханжар тақиб Мурод билан Сафиянинг ўртасидатусиқ бўлиб турган шопмўйловли Пардавой мўйлови учини бармоғи орасида бурайди, Мурод унинг елкаси оша Сафияга қарайди, Сафия пергамент панасидан Муродга тикилади – ҳамма-ҳаммаси бирданига мурвати бурангандек ҳаракатланиб кетади. Ёшлар меҳмоннинг кўнглини олиш билан овора. Тиркаш Муроднинг қўлига қўярда-қўймай ярим қулоч келадиган қўй сонини тутқазади. Келинчак ибо билан тиёлада чой узатиб туради. Шеър ўқиётган Сафиянинг ёнидан новвой бир сават нон кўтариб ўтаётганида у нонлардан бирини ўғирлаб олиб, катта-катта тишлаб ютганича шеър ўқишида давом этади. Майин куй оҳанглари саҳнадагиларни ҳам, залдагиларни ҳам эритиб туши бошлиган қоронгилик бағрига сингдириб юборади.

Тўртинчи кўриниш. Реал-мавжуд меҳмон кутиш.

Қоронги саҳнанинг бир бурчагидаги ўчоқ боши ёришиади. Келинчак қўлида капгир ушлаб олганча куймаланиб нимадир қилмоқда. Тиркаш кафти устига кичкина чойнакча кўтариб келади. Чойнак шу қадар кичикки, икки тиёла чой зўрга чигади.

Тиркаш. Чой сўрашяпти.

Келинчак. Аммам ҳам кириб ўтириб олдиларми?

Тиркаш. Ҳа, ўтириптилар.

Келинчак. Товва-товва. Номаҳрам эркаклардан етти тош наридан ўт дейдилару ўзлари тап тортмай эркаклар даврасига ўтираверадилар.

Тиркаш. Қанақа эркаклар?

Келинчак. Ичкаридагилар ким бўлмасам?

Тиркаш. Отаму меҳмонга келган курсдошлари, холос.

Келинчак. Нима, улар эркак эмасми?

Тиркаш. Эркак бўлгани билан, отам онамга номаҳрам эмас, танмаҳрам ҳисобланади, жиннивой, худди сену мендек.

Келинчак. Ўзингиз-ку жиннивой, мен ҳам амакимнимас, анави шаҳарлик номаҳрамни айтяпман.

Тиркаш. У шаҳарлик...(тутилиб) у шаҳарлик...курсдош бўлади.

Келинчак. Нима қипти курсдош бўлса, уям номаҳарам ҳисобланмайдими?

Тиркаш(боши қотиб). Шуни сўрашим керак экан.

Келинчак. Кимдан?

Тиркаш. Мулла Шайдулладан...

Келинчак(бармоғи билан Тиркашининг пешонасига нуқади). Шуниям сўрайдими одам, жиннивой, Гулсум сатангнинг иштонбоги-ю мулла Шайдуллонинг оғзи бўшлигини билмайсизми?

Тиркаш. Сен буни қаёқдан эшитгансан?

Келинчак. Эшитганман-да.

Тиркаш. Айт деяпман.

Келинчак. Подажойга сигир ҳайдаб чиққанимда...молларини подага қўшишга олиб чиқишиган хотинлар жийда остида шунақа-шунақа гаплардан гапиришганди...

Тиркаш. Энди сигир ҳайдаб чиқмайсан.

Келинчак(*суюниб*). Хўп бўлади. (*Капгирни қозонга уриб*) Чақирмасангиз ҳаммаҳрамлари ёнидан аммам чиқай демайдиларми? Овқат-повқат керакмасмикан уларга?

Тиркаш. Овқатни ўзинг қиласавер.

Келинчак(*этагини қоқаётгандек силкитиб*). Битимгами? Яшириб қўйган жойларидан тузлаган гўштларидан ҳеч бўлмаса икки бурда олиб берсинлар, картишканинг ўзи билан овқат бўладими?

Тиркаш. Калбаса-салбаса қомаганми?

Келинчак. Салбаса қоган, калбаса қомаган.

Тиркаш қўл силтаб онасини чақириб келгани кетаётганида келинчак уни тўхтатиб, ўчоқчадан гуёки қайнаб турган қумгонни кўтариб, чой дамлаб унга ўша кичкина чойнакчани тутқазиб юборади. Кейин капгир айлантириб қозон бошида ўймалашишида давом этади. Бирпасдан кейин яна Тиркашнинг қораси кўринади. Унинг ортидан йўл-йўлакай жаврай-жаврай *Сафия* келмоқда.

Сафия. Мен бўлмасам нима қиларкансизлар-а, нима қиларкансизлар? Бир зумгина кетим ер исказ үтирганимда яна ҳайватдек бўлиб “она бир қароворинг”лаб ортимдан борасизлар. Ўлгур боряпман деб аввалроқ айтмайдими, қарз-қавола қилиб бўлсаям еб-ичарини тўғрилаб қўймаймизми...қора булутдек бехосдан бостириб келганини...

Келинчак(*четга*). Қора булут бехосдан бостириб келиб жала-дўлинни ташлаб юборса, дала ўртасида одам қаёққа қочишни билмай қолади...

Сафия(*давом этиб*). Сюрприз қилмоқчи бўлганмиш! Ўзи сюрпризим чиқиб ётган бўлса, бироннинг олдига дастурхон ёзиб, иккита нон қўйишнинг ўзи бўладими? Сюрприз эмиш яна! (*Тиркашга*) Бор, Тоштемир амакингни чақириб ке, курсдошларинг кепти де, отам айтди де, шиша-пишасини кўтариб чиқсин...хайрият, шу девор-дармиён қўшни бўлиб қолган экан...Абдуқаюмни ҳам сўраяпти...Кошки уни ўзим кўрган бўлсам! Соғинган эмишлар! Ўттиз йилда нималар бўлиб кетмади? Соғиниш қоладими? (*Ниманидир ўйлаганича ҳардамхаёл турган Тиркашга*) Ҳа, қаққайиб турмай бор, чақир қўшнини...

Тиркаш. Ҳам меҳмоннинг олдига чақириб, ҳам шиша-пишангизни опчиқаркансиз дейманми?

Сафия(*газаб билан*). Дейсан-да! Демай, нима қиласан? Билмайсами, қўй суйсангу ана шу зормонда шишани қўймасанг ҳисобга ўтмайди...

Келинчак(*четга*). Қўй эмиш, товуқни айт!

Тиркаш кетади.

Сафия(*келинчакка*). Ҳа, бирон нима пишириб-куйдирдингизми? Узокдан йўл босиб келган, кўзи олайиб, итдек оч ўтирибди.

Келинчак. Картишкани ўзини қавурсам бўладими?

Сафия. Бўладими эмиш? Нега бўлмаскан? (*Эсига тушиб*) Эсиз, Чамангулнинг тухумини олмай қайтариб юборганим. (*Домангир бўлиб*) Ўзиям чақалоқ дўпписига олиб чиқкан тўрттами-бештами тухумчасига бир тоғора

қатиқ сўради-да...нима, товуқ түккан-да...тилладанмиди? Бетини сиқиб қонини ялаган...

Келинчак(*пиишанг бериб*). Чамангул момонинг товуқлари кун бўйи бизнинг ҳовлимизда гўнг титади.

Сафия. Донни бизникида еб, тухумни ўзиникида тугади. Яна чиқса ушлаб суйиб юбориш керак...

Келинчак. Бироннинг товуғи-я...штрафи катта...

Сафия. Ўлсин азиз бўлмай шу товуқ! Бироннинг гўнгини титса-чи? Бунга штраф йўқми? Қани,adolat!

Коронгидан Пардавойнинг овози эшишилади.

Пардавой. Ҳо-ой,adolat! Чойга қара!

Сафия. Сиз кириб ўтиринг жойингизга чой-чой деявермай! Ҳозир!

Келинчак. Ҳозиргина чой дамлаб бериб юборувдим-а!

Сафия. Сизам ангишвонадай чойнакни қаёқдан топдингиз? Боринг, каттарофини олиб чиқиб, ўшанга дамлаб беринг!

Келинчак қоронгилик бағрига сингиб кетади. Бироздан сўнг самовардек каттакон чойнак кўтариб чиқади. Сафия уни кўриб, мамнунлигини билдиради.

Сафия. Ана-а, боракану! Уч кундаям чойини ичиб тутатишолмайди!

Келинчак(*қўрқиб кетиб*). Амма, курсдошларингиз уч кун турадиларми?

Сафия(*ёқаси ичига туф-туфлаб*). Ҳэ, оғзингизни ел олсин!

Келинчак. Нима қилдим?

Сафия. Яхши ният қилинг. Бир кунини эплолмаяпмизу уч кунини нима қиласиз? Ётиши бор, туриши бор...

Келинчак. Ейиши бор, ичиши бор...

Сафия. Худо ўзи бир йўл кўрсатар...

Келинчак. Худо кўнглига инсоф солар...(эсига тушисиб қолиб) келинг, амма, худога илтижо қилайлик...

Сафия ва келинчак иккаласи бир-бирига қарама-қарши ўтириб олиб, кафтларини дуога очиб, иккисиям ўзича дуоларини пичирлашиб ўқий бошлишади. Уларнинг товушлари бир-бирини босиб, бир-биридан ортда қолиб, илгарилаб кетиб, айқашиб-уйқашиб гоҳ баландлайди, гоҳ настлайди. Бу чоқда Тиркаш қўшини деворидан очилган эшикча олдида туриб, чақириши учун оғиз жуфтрайди.

Тиркаш. Ҳў-ў Тоштемир амаки...

Шу чоқ девор ортида тарақа-туруқ овоз эшишилиб қолади. Ниманингдир отилгани, ниманингдир сингани овози эшишилади ва бу шовқин-сурон аро Тоштемирнинг гулдирак товушда сўкинаётгани қулоқча чалинади.

Тоштемир(девор ортидан овози чиқади). Ҳў-ў падарингга лаънат...бефаросат...Едирдим, ичирдим – билмадинг, боқдим, қарадим – билмадинг! Келтирган фойданг шуми? Келиб-келиб буғдой қопини тешасанми – ундан кўра қорнимни ёриб ташламайсанми, падарлаънат, бефаросат...Пешайвонда нима бор сенга? Қишига шугина буғдойимиз борлигини билмайсанми? Мен сендан сўраяпман, биласанми-йўқми? Қайдан билардинг! Ҳамманг берсанг ейман, бермасанг ўламансанлар! Анави падарлаънатлар мени ёз бўйи алдаб, қўйнимни пуч ёнгоққа тўлғазади, сенлар

эса борини ҳам...э-э бунақа ҳаётни...Ўроқда йўқ, мoshоқда йўқ, ҳамма олипталар хирмон бошида! Хэ, энагинангни...Кўриб-билиб турсаям, бир этак боласини етаклаб, ҳар икки куннинг бирида Ҳанзура сийним кўзининг сийдигини оқизиб келади. Ҳо-ой, кўзингни ёшини оқизма, кўзёшга тоқатим йўқ, десам, нима қилай, акажон, отаси турмада қамалиб ётипти, жиянларингиз оч, раҳмингиз келмайдими, дейди. Раҳм... раҳм... қўлимдан нима келарди, қайга борардим? Менга кимнинг раҳми келяпти? Кимнинг ичи ачијапти менга? Элликка кириб нима кўрдим? Ўзи йифиб қўйганим ана шу бир қоп буғдой, қопни тешиб, униям расвосини чиқариб ўтирибсан. Ҳу-ўв отагинангнинг гўрига...(кимгадир отилган таёқ дараҳтга бориб теккани эшишилади).

Тиркаш қўрққанидан кифтини қисиб, ортига қайтиб келади. Келинчак билан Сафиянинг бир-бираига қарама-қарши ўтирволиб пичирлашиб дуо ўқишаётганига ҳайрон қолиб, бирпас нима қиларини билмай бош қашиб туради, кейин уёқдан-буёққа, буёқдан-уёққа юради, кейин қандайдир хаёлга бориб у ҳам бир четда ўтириб кафтини ёзганча кўз қирини дуо ўқишаётган иккисига ташлай-ташлай кута бошлийди.

Сафия(бошини қўтариб најсом кутаётгандек осмонга қараганича овозини қўтариб). Илоҳи омин, художоним, ўзинг раҳм қил! Билиб-билмай қилган гуноҳларимизни мағфират айла, уйимизга келиб ўтирган меҳмонга ҳолимизни аён эт, меҳмон кутишдан ожизлигимизни билдири, ўзимизни ўзимиз амал-тақал эплаб юрганимиздан хабардор эт! Илоҳи оми!

Сафия ўгирилиб, нима деярини билолмай, номуси келиб ўтирган Тиркаши кўриб куйлаги ёқаси ичига туфлайди.

Сафия. Нимабало, ит қувдими, рангингда ранг қолмапти.

Тиркаш. Қўрқиб кетдим.

Сафия. Нимадан қўрқасан, товба? Ўз ҳавлисидаям қўрқарканми одам?

Тиркаш(қўли билан қўшинининг эшикласи томонни қўрсатиб). Кўшниникида жанжалнинг йириги бўляпти.

Сафия. Боёқиш Тоштемирни яна хотини қувиб юриптими?

Тиркаш. Йўқ, Тоштемир ака...бақир-чакир қиласпти. Ишқилиб, суйиб-пуйиб қўймасайди, жуда ёмон тутаган...

Сафия. Бэ, Тоштемир-а? Хотинининг арпа дўғидан товуқдай пусиб қоладиган Тоштемир дўқ-пўписани баланд олармишми? Бўладиган гапни гапир сен бола, қулоғингга адашган-падашган овоз чалиниб қолгандир...Бор, айтиб чиқ уни!

Тиркаш. Йўқ, бормайман.

Сафия. Бор деяпман.

Тиркаш. Бормайман деяпман.

Сафия. Бормасанг, ўзим бораман.

Тиркаш. Борманг, сизниям бир бало қилиб қўймасин.

Сафия. Ўзи шу бир бало қилиб қўядиган одамни излаб юрувдим.

Тиркаш. Бир гап бўлса, балога қоласиз.

Сафия. Ўзи бу кунимдан баттар яна қанақа балога қолардим?

Келинчак(Тиркашга ақл ўргатиб). Унда сиз ҳам қўшилиб боринг.

Тиркаш йўлга тушган Сафияга иккилана-иккилана эргашади. Келинчак ўзи ёлгиз қолади.

Келинчак(ўзига-ўзи). Уруш бўлсаям, жанжал бўлсаям, ишқилиб, тинчлик бўлсин-э! Туппа-тузук одамнинг олдига шу алкаш, мурдашўй қўшнисини чақиради. Ундан кўра қудасига одам юборсин. Йўқ, қўшниси шиша кўтариб чиқсин дейди-да!

Сафия билан Тиркаш ҳозиргина Тиркаш турган жойга етаёзишганида Тоштемирнинг сўкинишилари авжига чиқиб, уларнинг қулогига урилади ва турган жойларида қотиб қолишиади.

Тоштемир(девор ортидан). Хў-ў падарингга лаънат...бефаросат... Ўзинима, бошқаларга ўхшаб иккита бўлмаса, учта бўлмаса, якка-ю ягона ёлғиз сийним бўлса! Ичим ачимай ўлипманми? Кўли қисқанинг ақлиям қисқа бўларкан. Сабзи экиб, картишка териб, куёв рўзғорини қимирлатиб турувди, икки туп кўкнорни деб кеттиворди, икки туп кўкнор жонингга аро киармиди?

Сафия(икки юзини юлаётгандек). Вай, ўлгур, кўкнордан кетган экан-да куёви!

Тиркаш. Энди билдингизми?

Сафия. Ҳа, хирмондан бир хуржун ғалла олгани учун қамаворишиди дейишуви-ку?

Тоштемир(девор ортидан). Хў-ў падарингга лаънат...Эккан одам муни эплаб, гектарлаб экмайдими?

Сафия(маъқуллаб). Рост айтади!

Тоштемир(девор ортидан). Каттасидан-кичиғигача оғзини боғлаб ташламайдими?

Сафия(маъқуллаб). Тўппа-тўғри! (*Тиркашга*) Отанг эшитсин эди бу гапларни!

Тоштемир(девор ортидан). Ана-а, энди кўрадиганингни кўравер! Сени чиқариб олишга пул қайда? Ўзларича хў-ўв палончи-пистончилардай бўламан деб ўйлаганлар-да!.. Ҳо-ов... ҳо-ой... падарлаънат, қаёқقا?

Девор ортида яна тарақ-турук, даранглаган овозлар чиқа бошлиди.

Сафия(ёқасини тутамлаб). Товва-тovва?! Одамнинг ишонгиси келмайди. Бу Тоштемир қўшнимас десанг – овози ўша-ўша Бу Тоштемир қўшни десанг – бунақамас, хотини олдида писиб юргани учун болаларига ҳам бир оғиз қаттиқ гапирганини бирор кўрганаммас, эшитганаммас!

Тиркаш(киноя билан). Ана энди эшитаверинг! Қурбақаниям босса, вақ этади!

Бироз жимлик чўкканидан фойдаланиб, Сафия қўшинини томон эшикча тирқишидан мўралагани заҳотиёқ яна қарсилаб калтак тушгани ва Тоштемирнинг овози эшитилади.

Тоштемир(девор ортидан). Бо-о-ош! Бо-ош дейма-ан!... Ҳа-ай, чу-у!.. Бош-а, ҳаром қотур!..

Сафия ўзини ортга олиб, энкайган куйи икки қўли билан икки тиззаси кўзини ушлаганича кула бошлиди.

Сафия(кула-кула). Айтдим-ку!

Тиркаш. Мунча куласиз?

Сафия. Кулади-да, одам! Айтдим-ку, қўшнимиз бирорга овозини кўтармайди деб. Бирорга овозини кўтаролмаганидан ичи тўлиб кетиб, сигирига дўқ урятти экан!

Тиркаш. Сигирига?

Сафия. Ҳа, сигирига?

Тиркаш. Йўғ-э??

Сафия. Э-э...сигир ҳам кетворди-я! Товба-тобба, сигир ҳам эшитмайди-я шўри қуриганни!..

Тоштемир(*девор ортидан*). Шохингни қопга тирайсан-а!..

Сафия. Одам эшитмайди-ю сигир эшитармиди, одам тушунмайди-ю сигир тушунармиди? (*Тиркашга*) Сен бўлсанг ўтаканг ёрилиб ўтирибсан. (*Масхара оҳангидага Тиркашнинг овозига муқобала қилиб*) “Ишқилиб, суйиб-пуйиб қўймасайди” эмиш, “жуда ёмон тутаган” эмиш.

Тиркаш(*ноқулай аҳволда қолганини билдириб*). Мен ўйлабманки...

Сафия. Э, нимани ўйлайсан, мен кетдим, чақир қўшнини...

Сафия кетади. Тиркаш пича бошини қашиб туради, кейин эшикчага яқинлашиб овоз беради.

Тиркаш. Ҳў-ў Ҳў-ў Тоштемир амаки... Тоштемир амаки-и!

Тоштемир(*девор ортидан*). Ҳози-ир!..

Бешинчи қўриниши

Ўртада кичкина хонтахта. Хонтахта устида дастурхон ёзилган. Мурод билан Пардавой ўртасида ўша каттакон чойнак. Мурод ҳар-ҳар замонда чойнакка ажабланиб қараб қўяди. Пардавой ўзини меҳмоннавоз кўрсатиш учун чойнакни базўр кўтариб, пиёлага чой қўйиб Муродга узатади.

Пардавой. Даладан энди келувдим... хотин молхонада экан, мол-ҳолларга қараб юрган-да. Эшик тақиллаб қолди-ку! Ким экан дебман! Ҳаёл чалғийдида! Энди далада экин-пикин қиласиз, маккажўхори-паккажўхоринингми, беда-меданингми орасида битта-яримта уруғ-пуруғи тушиб қолган бўлса, қайдан биласиз? Ўраётган пайтда кўрасиз-да! Аммо мелиса-пелиса шуниям ҳид-пид олиб юради денг. Кўз-пўзи тушса, ортиқча харажат-да, кошки камига кўнса! Унисига дейди, бунисига дейди, ишқилиб сопини ўзидан чиқазади-да! Ҳар турлик хаёлда эшикка чиқиб қарасам, посон бир киши турибди, важоҳатидан министрға ўхшайди...

Мурод. Ў-ҳў... Оласиз-а!

Пардавой. Ҳа-а тўғрисиям-да. Дабдурустдан таниб ололмаганим ҳам шундан! Министр-пинистр бўлса шунчалик бўлар-да, айтмоқчи, ҳозир ўзи қаерда ишлайпсиз?

Мурод. Вазирликда.

Пардавой. Ана-а, мен билиб айтибманми?! Биламиз-да, билмасак гапириармидик.

Мурод(*афсус билан*). Номи вазирлик бўлгани билан... биззи ишимиз ҳеч кўзга ташланмайдиган жуда майда... оддий иш... югар-югар...

Пардавой. Секин-аста каттасиям бўлади, бемалол ўтириб ҳам ишлайсиз... Ҳафа бўлмангу... фақат... (*тутилиб қолади*).

Мурод. Айтаверинг, нега ҳафа бўларканман?

Пардавой. Сиз ҳам ёлғиз йигитсиз-да! Суянч-пуюнчингиз йўқ. Абдуллахўжа деган окамиз борлар, шу киши ҳамиша бир гапни тақрорлаб турадилар...

Мурод. Қандай гап экан?

Пардавой. Ё зар-пар, ё зўр-пўр! Энди бунга ҳозир қариндош-париндош дегандай...клан-план дегандай...(Муроднинг оғзи очилиб қолганини кўриб) Ҳа-а, нимага оғзингиз очилиб ҳайрон бўлиб қолдингиз?

Мурод. Чекка бир жойда яшайсиз...(Боши чайқаб) Бунаقا гапларни қайдан биласиз?

Пардавой. Ўзимиздан қиёс, ўзимиздан қиёс! Чекка-пекка бўладими, чекка-пекка бўлмайдими – хўроз-мўрозд ҳаммаёқда бир хил қичқиради. Тўғри, бизда шароит-пароит оғирроқ. Қишлоқчилик. Газ-паз йўқ. Сафия келин бўлиб тушганидан кейин бир-икки йил кўниколмай юрди, таппи-тезак деса, бурнини жийириб, қўлқоп-пўлқоп тақиишни бошларди.

Мурод. Энди-чи?

Пардавой(қўл силтаб қўйиб). Энди қўяверасиз. Мол-пол деса жон-понини беради. Айтсан ишонмайсиз, мандан кўра молни яхши кўради.

Мурод. Йўғ-э?

Пардавой. Ҳа, рост. Анави ковид пайтидаям курт-мурт учиб ётдим, Сафия қара ўламан десам, ўлмайсиз дейди. Ташқари чиқмоқчи бўлсам, молхонага яқин юрманг, касалингиз мол-ҳолларга юқиб қолмасин дейди. Мандан молни аяди.

Мурод(кифт қисиб). Ковид одамдан молга юқиши мумкинлигини энди эшитишим.

Пардавой. Кўрмайсизми, бу Сафиянинг ўйлаб топганини.

Мурод. Талабалагимизда яхши-яхши шеърлар ёзарди.

Пардавой. Ҳозир ҳам ёзади. Фақат мавзуси ўзгарган.

Мурод. Йўғ-э, қанақасига?

Пардавой. Илгари севги-певги, ёшлиқ-пошлиқ, гул-мул ҳақида ёзган бўлса, энди мол-ҳол, таппи-тезак, қозон-товоқ, ем-хашак ҳақида ёзади.

Мурод(ҳайрон). Шунаقا мавзуларда ҳам шеър ёзса бўларканми?

Пардавой. Ҳо-о ёзганда қандоқ...(ўқий бошлайди)

Мол-ҳоллар, таппи-тезак,

Бизнинг ҳаётда безак.

Қиши-совуқда мисли кесак,

Қотиб қолмайлик десак.

Қалай? Қофияси жойидами?

Мурод(мингирилаб). Ёмонмасга ўхшайди.

Пардавой(қизишиб). Ёмонмасга ўхшайди деманг, зўр денг! Бўғин-турогига қараманг, ҳаётийлигига қаранг, ҳаётийлигига! Бунаقا шеърлари кўп. Битта шеъри қўй-қўзи, эчки-улоқ қумалоги ҳақида.

Мурод. Шуниям шеър қилса бўларканми?

Пардавой. Нега бўлмаскан, жуда бўлади-да. Қиши чилласида танча-панчага қумалоқ-пўмалоқ қўри солинмаса, нима солинади? Танча-манча

исимаса нима бўлади, одам-подам совуқдан тараша-парашадек қотмайдими? Газ-паз йўқ бўлса, кўмир-пўмир қиммат бўлса, Сафиянинг шеър-пеъри арzon...

Мурод. Илгариги шеърлари-чи?

Пардавой. Уларни ўчоқ-пўчоқقا тиқиб юборган, чой-пой қайнатаман деб...(Кифт қисиб) Шунаقا, бу Сафия қишлоғимиз шароитига ўрганолмайди деб қўрқардим, қайтанга маниям осмондан тушириб олди. Мол-ҳолларни севишга, ем-хашакни эъзозлашга ўргатди. Оч-почдан ўлсак бирор қайрилиб қарамайди, ҳаракатимизни ўзимиз қилайлик дейди. Шунаقا қилмасак, ўғилчанинг бошини иккита қилишда ҳам қийналиб, тўй-пўйини, худо билади, ўтказа олармидик...

Мурод. Тўйни яқинда қилгансизлар шекилли.

Пардавой. Кечагина эди...Ха, шу кечагинагаям уч ой бўлди. Келиннинг бу дунёдами, нариги дунёдами эканлигини ўзиям фарқолмайдиган момоси ана кетди, мана кетди бўлиб, ўша кунлар бизни анча шоширди, мана тўйдан сўнг уч ой ўтди ҳамки, ҳалиям ўша-ўша ётиши, кетгани йўқ.

Мурод. Анча ёшга борганмилар?

Пардавой. Ҳа, анча.

Мурод. Умрлари узоқ бўлсин.

Пардавой. Бу ёғидан қўнгил тўқ.

Мурод. Тузалиб кетдиларми?

Пардавой. Азроилнинг эсидан чиқиб кетди.

Мурод. Э, гапингизни...

Пардавой. Шунақасиям бўлади. Бир келади, икки келади – кейин эсидан чиқиб, Азроил келмай қўйса ўлимини кутиб ётаверади. Ўша кунлари аммолекин пулгаям сотиб олиб бўлмайдиган ҳаво бўлди-да! Закснинг ўзига олтида енгил машина қаторлашди, денг. Бу хумпар ўғилчанинг пешанаси экан-да! Видйога олган, ҳали бир томоша қиласиз... Ўзи тўйни ўтказиб олганимиз ҳам яхши бўлган экан, қўприк бузилганда бизгаям битта қувур тегиб қолувди...

Мурод(ҳайрон бўлиб). Қанақа қўприк?

Пардавой(бамайлихотир). Ҳа, ўша катта сойнинг устидаги қўприк-да, кўкламда катта сел келиб, бузиб кетувди... ўзи у қўприкни ҳар икки йилда бир сел олади.... Қувурлару ёғочларни одамлар ташиб кетишади... Кран билан кўтариб олмаса қимирлатиш ҳам мушкул бўлган бетонлар қолади. Уларниям олиб кетмоқчи бўлиб, беш-олти кишилашиб уринишади-ю, кучлари етмайди. Лекин, эгалик қилиб қўйишади. Битта қувурни оламан деб эгалик қилиб қўйгандим, тўйдан аввал олиб келиб қўйганим яхши бўлган экан...

Мурод. Жуда керакмиди сизга ўша қувур?

Пардавой(қўл силтаб). А, йўғ-а?

Мурод. Унда нима қиласиз?

Пардавой(уқдириб). Кераклик тош! Кераклик тошнинг оғирлиги бўлмайди. Ўша қўприкни тузатмоқчи бўлиб, ҳомий-помий топилса, қўприк учун шу қувур керак бўладими? Албатта, керак бўлди! А, ана иннайкейин бу қувурнинг баҳосини қанча ошириб нарх қўйсак бўлаверадими? Бўлаверади! Биттасини Тошбой сариқ оламан деган – унга нима керак экан, худонинг ўзи билади. Яна битта бетонга Тошбой қора молларнинг охурига ишлатаман деб

эгалик қилиб қўйган. Майда-чуйда нарсаларни Тошбой гаранг ҳовлисига судраб олиб кетган...

Мурод. Кўприкни ким қурган?

Пардавой(*парвосиз*). Ким бўларди, ҳукумат-да!

Мурод. Ҳукумат эгалик қилмайдими?

Пардавой(*доналик билан бамайлихотир*). Энди-и ҳукумат ҳам, ҳукумат одамлариям ҳар гал бу қўприк устидан оладиганларини...(икки бармогини пул санаётгандек кўрсатиб) олиб бўлишади! Сел-пел келади, олиб кетади, яна смета-пмета қилинади, пул-мул ажратилади – каттароқ ёғингарчилик бўлгунча...қайси каттакон икки-уч қаватли уй-пуй қурмоқчи бўлса, дарров шу кўприкни эслаб қолади.

Мурод. Нега?

Пардавой(*ҳайрон бўлиб қарайди*). Оббо дейман...бу вазирлигингизда сизга ҳеч нарсанинг ҳид-пидини чиқаришмайдими дейман-ов!..Энди қўраётгандек нега-пегалайсиз...

Шу чоқ қўлида бир шиша ароқ қўтариб олган Тоштемир уларнинг ҳузурида пайдо бўлади. Икки қўлини икки томонга ёзиб, хитоб қиласди.

Тоштемир. Э, қалай?

Мурод танимасдан ҳайрон бўлиб қараб туради. Тоштемир қулочини янаем каттароқ ёйиб, янаем қаттиқроқ овозда хитоб қиласди.

Тоштемир. Мурод Тўраев!

Мурод. Мени танидингизми?

Тоштемир(*қулочини янаем кенг ёзиб, ўзини орқароқ ташлаб*). Ие, “ми”сини опташанг, “ми”сини опташанг! Бизнинг катта бовамиз бу ёғи Чироқчи, бу ёғи Қамаши, яна қаер эди...ха-а, бу ёғи Қашақадарёнинг ҳамма туманларида донг таратган синчи бўлганлар! Синчи деганда сиз дарров Урин Куско сулоласидан Ики Манко Капака меросхўри Люке Юпанки ўғли, инклар давлатининг иккинчи ҳукмдори Синчи Рукони хаёлингизга келтирманг. Ҳайвонотни, айниқса, тулпорларнинг зотини, феъл-авторини, тилини яхши билиб, бир кўришда зотини танийдиган доноларни бизнинг воҳада синчи дейишади. Билмасангиз билиб қўйинг, қалай!

Пардавой. Э, ўргилдим, сендақа синчидан, Мурод – курсдошимиз, одам, сен эса...

Тоштемир. Нима мен? Нима бўпти менга?

Пардавой. Ҳайвонотни...гапириб турибсан...

Тоштемир(*устидан кулиб*). Э, лодон, инс...инсон ҳам...шу...холиқ яратган...Қалай, дурустми? Любой отнинг кўзига қара, сеникидан меҳрибон...э, сен буни тушунмайсан, Сафия яхши тушунади...

Тоштемир ўрнидан турган Мурод билан қучоқлашиб кўришгач, ўтиради ва қўлидагини Пардавойга узатади.

Тоштемир. Ма, қўй, кўришганимиз учун...боя лаънати сигир буғдой қопини тешиб кайфиятни жа-а бузиб юборди...тегирмонга тайёрлаб қўювдик...*(Пардавойнинг шиша тиқинини пайпаслаб очишига ҳаяллаётганига сабри чидамай, узаниб шишани ундан тортиб олади ва пиёлаларга қўйиб, улардан бирини Муродга узатади)*. Қани, Туроб оғайни, олинг...

Пардавой. Ие, ҳозиргина дуппа-дуруст синчи эдинг, эшикдан кирган заҳотингоқ курсдошимизнинг исминиям, памилиясиниям тўғри топиб маниям ҳайрон қолдирувдинг...энди эса...

Тоштемир. Нима энди?

Пардавой. Туроб деб ўтирибсан...

Тоштемир. Туроб бўлмай, ким?

Пардавой. Мурод.

Тоштемир. Нима фарқи бор? Мурод бўлса нима-ю, Туроб бўлса нима?

Пардавой. Фарқи бор-да, бу ерда Туроб деган одам йўқ.

Тоштемир. Нега йўқ бўларкан? (*Муродни кўрсатиб*) Бу ким бўлмаса?

Пардавой. Мурод.

Тоштемир. Мен нима дедим?

Пардавой. Туроб дединг.

Тоштемир(*қўлини қилич қилиб*). Ҳе-еҷ! (*Муродга*) Қани, олинг!

Мурод олади. Тоштемир Пардавойга ҳам қўйиб узатади. Қадаҳ сўз беришдан аввал чўнтагини пайпаслаб қолади.

Тоштемир. Қаёққа қўйдим-а? Ҳозиргина киссамга солувдим. Абдуқаюмга қўнгироқ қилдиму кейин...(ўйланиб қолади) ҳа-а, бу томонимдаги киссамга солдим...(*телефонини топиб ёнига қўяди*) йўқотиб қўйдимми деб эсим чиқиб кетипти...Қани, Мурод Тўраев, қўришганимиз учун!

Улар ичишади. Пардавой афтини буриштирганча дастурхон устидан бир нима олиб закуска қиларкан, Тоштемирнинг Абдуқаюм ҳақидаги гапини эслатади.

Пардавой. Абдуқаюмни қаердан топа қолдинг?

Тоштемир(*ёнидаги телефонини кўтариб қўйиб*). Бизда телпон нўмери бор-да!

Пардавой. Келарканми?

Тоштемир. Келади! Қани...

Шу чоқ чироқ ўчади. Ҳаммаёқни қоронгилик қоплайди.

Олтинчи қўриниши

Саҳна қоп-қоронги. Чироқ ўчган. Иштирокчиларнинг фақат овозлари эшишилади. Томошибинлар радиопостоновка тинглаётгандек қаҳрамонларнинг гап-сўзларини тинглаб, шу асно воқеалар ривожини хаёлан масавур қилиб туришади.

Тоштемир. Ие, қўшни соат тўққиз бўлдими?

Пардавой. Ҳа, бўпти-да!

Мурод. Ҳар куни бир вақтда ўчадими?

Тоштемир. Телефоним қайда қолди? Ҳа, мана топдим.

Тоштемир хира фонарчасини ёқиб, дастурхон ўртасидаги чойнакка телефонини суюб қўяди.

Тоштемир. Шундоқ турсин, ҳарна-да...

Мурод(*жавоб ололмаган саволини тақрорлаб*). Ҳар куни бир вақтда ўчадими?

Пардавой. Ҳа, шу-у кеч вақти учиши соат тўққиз, эрталаб ёниши соат олти.

Тоштемир. Шунинг учун кўп уйларда включателни ҳам олиб ташлашган.

Мурод. Нега?

Пардавой. Нега бўларди, буям бир сигналдай гап-да...

Тоштемир. Кеч соат тўққиз бўлдими, ўз-ўзидан учиб, ёт падарлаънат дейди...

Пардавой. Эрталаб соат олтида тур падарлаънат дейди.

Тоштемир. Бу умумий команда.

Шу чоқ саҳнанинг қаериладир кетмонларнинг тарақ-туруқ бир-бирига урилгани эшишилади. Пардавой билан Тоштемир қулогини динг қилади. Бироз сукунат чўкади. Яна тарақа-туруқ кетмонларнинг бир-бирига урилгани эшишилади. Тоштемир бунинг нималигини илгаб олмоқчи бўлгандек, кўрсаткич бармогини тепага кўтариб, бирпас жуда ҳушёр қиёфага кириб туради-ю, кейин воқеанинг тубига етгандек Пардавойга қарайди.

Тоштемир. Қўшни, кўчадаги ариқ ёқасида яна сув жанжали бошландими дейман?

Пардавой(*бамайлихотир*). Ҳа, қулоқни очиб кетган бўлса эгаси кетмон кўтаргандир-да!

Мурод(*қўрқиб*). Ким кетмон кўтаради? Кимга кетмон кўтаради?

Пардавой. Парво қилманг, қўшнининг ваҳмасига қулоқ солманг, кўчамиздан ариқ ўтган, сув талашиб бир-бирига кетмон уқталишаётган бўлса уқталишаётгандир, нима, шунга ота гўри қозихонами? Санам ваҳма қимангда!

Тоштемир. Қани ман ваҳма қиганим, ўзинг-ку!

Тарақа-туруқ товушлар кучайиб, ўша ёқдан одамлар овози ҳам бунга қўшилиб кетади.

Биринчи одамнинг ҳирқироқ овози. Сен мени ким деб ўйляяпсан?.. Ким деб ўйляяпсан, а?! Ҳозир чавақлаб ташлайман! Мана шу ариқقا чимдай бостириб юбораман! Индамаган сайин бошга чиқиб кетдиларинг-ку! Навбатим келдими, сувни бер-да! Катта холангдан қолганми ё?

Иккинчи одамнинг ғав-ғав овози. Ўзинг мени ким деб ўйляяпсан?.. Ким деб ўйляяпсан?.. Ўзингни чавақлаб, ариқقا чимдай бостириб ташламай!

Биринчи одамнинг ҳирқироқ овози. Сен босиласан!

Иккинчи одамнинг ғав-ғав овози. Ўзинг босиласан!

Биринчи одамнинг ҳирқироқ овози. Кўрамиз!

Иккинчи одамнинг ғав-ғав овози. Кўрсак, кўраверамиз!

Яна кетмонларнинг шақир-шуқури эшишилиб қолди.

Мурод(*қўрқув аралаш*). Чиқиб, ажратиб қўйсак бўлмасмикан?

Тоштемир(*масхара қилаётгандек*). Э-ҳа, ҳозир улар отаси тирилиб келсаям гапига қулоқ солмайди. Ажратиш дейсиз-а!

Мурод(*хавотирли товушда*). Ажратиб бўлмайдими?

Пардавой(*бамайлихотир*). Ажратиб бўлмайди. Олинг, чойингизни ичинг, совуб қолди. Бу лаънати чироқ ҳам ақалли шу кеча ёниб турмадики, овқат-повқатни пишириб олишса.

Мурод(*хавотирли товушда*). Бир-бирларини ўлдириб қўйишса-чи?

Тоштемир(*бамайлихотир*). Ажали етган ўлади.

Яна сукунат чўкади. Сафия қўринади. Қўлидаги товоқни Пардавойга узатади.

Сафия. Ўртага қўйинг дадаси. Олиб ўтиринглар.

Тоштемир. Қўшни, ўзингиз ҳам келинг-да!

Сафия. Ман балалани олдига чиқай, ёш нарса, қўрқиб-нетиб юришмасин.

Тоштемир. Келин яхшими? Қарсиллатиб хизмат қилдиряпсизми?

Сафия. Ҳа-а, нимаям хизмат? Мол-ҳолларга ўзим қарасам, ўзим сигир соғсам, ҳар-ҳар замонда силарга ўхшаб озиб-ёзиб би-ир келиб қоладиган меҳмонларнинг ҳам пишир-куйдири ўзимда...

Тоштемир. Қимиirlаб турганингиз яхши-да.

Сафия. Қандок қилай, ё эркак ё аёл – бири бўлмаса, бири қимиirlатиб турсин экан-да! Ҳа, майли, ман борай.

Сафия чиқади. Шу чоқ кимдир салом бериб киради.

Киши. Ассалому алайкум....

Пардавой. Э келинг малим, қайси шамол учирди?

Киши. Э, шу ариқ бўйидан ўтиб кетаётib эдим, қулоқ бошида сув жанжали бўлаётган экан, бехосдан аралашиб қолипман-да!

Пардавой. Ҳай-ҳай-ҳай! У ёқ-бу ёғингиз лат емадими ишқилиб?

Киши. Э, озгина қолди, кетмон остида қолиб кетишимга...

Тоштемир. Ярадорлар йўқми?

Киши. Биттасининг қўли синди, скорий чақирсак судвозлигу мелисавозлик бўлиб юрмасин деб, табиба олиб кетишиди...

Пардавой. Тўғри қилишибди. Синмаган қўл-оёғидан ҳам, бор-будидан ҳам, йиққан-терганидан ҳам ажраганидан кўра, табиба боргани маъқул-да! Қани малим, дастурхонга қаранг...элликта кетадими?

Киши. Майли-майли...қаранг-а, меҳмон устидан чиқиб қопмиз, нимаям деймиз, оламиз-да, ё банияти шифо...бай-бай...биринчиси аччиқ бўлади ҳар доим шунаقا...

Мурод. Қайси фандан дарс берасиз, малим?

Киши. Бизники астрономия....шунаقا....юлдузлар илми...

Мурод(*жонланиб*). Зўракан-ку! Пединститутни битиргансиз-да! Факультети қайси эди? Аралаштириб юборавераман шу астрономиянинг факультетини...

Киши. Майли-майли...камроқ қўяверинг...Хо-ош дейдиган бўлсак...Биз ҳеч қайси институтни битирмаганмиз.

Мурод. Ўзингиз китоблардан ўқиб ўрганганмисиз?

Киши. Йўқ, китобларга ҳам қизиқмаганмиз...

Мурод. Унда қанақа қилиб?..

Киши. Хо-ош десак...энди-и...бизники худодод илм.

Мурод. Шунакасиям бўладими?

Тоштемир. Албатта, бўлади-да!

Пардавой. Бўлганда қандок!

Киши. Энди-и...бунинг ўзининг тарихчаси бор...Хо-ош десак...Бир куни похол йиғишга чиқиб, кечаси далада қолиб кетдик. Туни билан уйку қочиб, осмонга термулиб ётдик. Қарасак, баъзи бир юлдузлар жойлашуви бир-бирига ўхшар экан. Шу-шу, қизиқиб қолиб, ундан сўраб-бундан сўраб, анча-мунча илм йифдик. Мактаб директорига айтиб эдик, аввалига у кулиб тан олмади. Сўнг худо қўнглимизга солган нарсаларни бир-бир айтиб ташловдикки, оғзи очилиб қолди, сизга худо берибди-ку, деб, астрономиядан дарс берди. Энди-и ҳамма айтганларимиз китобда ёзилганига тўғри келмасаям, болалар бизнинг илмимизга қизиқишида-да, қизиқишида! Э, бу илмнинг китиобини битганлар ҳам осмонга чиқволиб, ҳар юлдузнинг думини кўтариб текшириб қайтмагандир, ахир.

Тоштемир. Ҳақиқий илм ана шунаقا бўлади!

Пардавой. Буни отини илми ладун дейдилар, ҳа-а, илми ладун!

Киши. Энди-и...шунисигаям шукр...насибага яраша ризқимизни териб юрибмиз...шунисигаям шукр...Энди ман борай. Ўзи Назар чўпоннинг тўйига бораман, яқин деб шу ёқдан йўл соловдим...Бирров ўтиб муборакбод қилиб қўймасак эртага кўз-кўзга тушганда...

Пардавой. Паққос ёдимдан кўтарилиб кетибди. Назар чўпонники тўй-а!

Тоштемир. Бизгаям хабари етган. Мани эсимдан чиққан йўғиди-ю...энди бораман деб турганимда, буғдой солинган қопни сигир пешайвонга чиқиб тешиб қўйибди денг...ўша билан овора бўлиб денг...

Киши. Ҳай-ҳай...Ҳайвонот оламига ҳазир бўлинг, ҳазир бўлинг ҳайвонот оламига! Онг бўлмаса, идрок бўлмаса, ақл бўлмаса, қалб бўлмаса, юрак бўлмаса бу ҳайвонот оламида – билганини қиласверади-да! Молхонага қаманг, қамаб ташанг молхонасига, ётсин похолини кавшаб!

Тоштемир. Малим, ҳаққоний гапни айтаман – илмингиз худодод!

Киши. Майли-майли...энди-и насибага яраша. Қани борадиган бўлсаларингиз, миймонниям эргаштириб юринглар, билла-билла борайлик.

Пардавой. Борамизми, а?

Тоштемир. Бораверайлик...тўйхонага движок қўяди...чироқ бўлади, ёруғ яхши-да...

Киши. Миймонниям кўнгиллари ёзилади...

Тоштемир. Қани малим, ўзингиз дастурхонга омин қилиб юборинг.

Киши. Қани омин. Тўйлар бўлсин, қўшганлар қўша қарисин! Омин, облоҳу акбар!

Улар ўринларидан туриб чиқишиади. Тоштемир чойнакка суюб қўйилган телефонини олиб, чўнтағига солади. Ҳаммаёқни қоронгилик чўлгайди. Олислардан келаётгандек бойўғли овози эшишилиб туради.

Еттинчи қўриниши. Учинчи қўринишдаги хаёлий-фантасмагорик тантанаворлик жузъий ўзгаришлар билан такрорланади.

Движокнинг тариллаб тургани овози эшишилади. *Саҳнада катта-катта лампочкалар осилган. Тўйга келганлар қизлар гуруҳи ва йигитлар гуруҳи қўшиқ айтишиларига муҳлислик қилиб туришиади. Ҳаммалари қарсак чалиб уларни қўллаб-қувватлаб туришиади.*

Йигитлар

Үйна туриб деганда, үйна туриб,
Үртанаман – куяман сени кўриб,
Үртанганда – куйганда сени кўриб,
Эрмаклайсан – куласан, лабинг буриб.

Қизлар

Кийган тўнинг ярашган бўйгинангга,
Мен билмадим не сўз бор ўйгинангда,
Эрмакласам эрмаклай лабим буриб,
Индамасдан бориб ёт уйгинангга.

Ҳаммаси

Масжид бўлса, мадраса,
Хо ялло, ялло, ялло.
Бир одил пошшо бўлса,
Хо ялло, ялло, ялло.
Ҳар ким севганин олса,
Хо ялло, ялло, ялло.

Йигитлар

Бундан бордим, ётибсиз,
Пар ёстиқقا ботибсиз.
Пар ёстиқни кўтарсам,
Гулдай тоза ётибсиз.

Қизлар

Ҳасрат боғингдан,
Қуралай кўзингдан.
Үлдира берсанг, куйдира бер,
Шаккар сўзингдан.
Алёр бўлсин-ай,
Хўжам ёр бўлсин-ай.
Хўжам берган бу давлатга
Душман зор бўлсин-ай.

Ҳаммаси

Масжид бўлса, мадраса,
Хо ялло, ялло, ялло.
Бир одил пошшо бўлса,
Хо ялло, ялло, ялло.
Ҳар ким севганин олса,
Хо ялло, ялло, ялло.

Йигитлар

Ойга ўхшайдир юзинг,
Чўлпонга ўхшайдир кўзинг.
Шунча ҳам яхши бўлурми,
Халқ ичида юлдузинг.
Сендан савол сўрайман, айт,
Неча яшар сенинг боғинг.

Қизлар

Худойимнинг ишин кўринг,
Фалакнинг гардишин кўринг,
Билмоқ бўлсангиз боғим ёшин,
Оғзин очиб тишин кўринг.

Йигилганлар завқланиб, бир-бирларини олқишилаб туришган чоғида қотиб қолишади.

Томоша рекламачилари сифатида шифокорлар кийими кийиб олган бир аёл билан бир эркак устига катта-катта ҳарфлар билан ГУАНЖОУ ДОРИЛАРИ деган ёзув ёзилган қутиларни саҳна четига кўтариб чиқшишиб, бир-бирларига қийишсанглаганча рекламани бошлиб юборишади.

Аёл(жар солаётгандек). Кеб қолинг, кеб қолинг, эшиштганлар армонда, эшиштмаганлар дармонда!

Эркак(давом эттириб). Арzon нархларда, пулингиз ўзингиз билан кетади!

Аёл. Жигар, буйрак, талоқ, ўпка, ўтпуфак, ошқозон, ўн икки бармоқчи ичак, йўғон ичак, ингичка ичак – барчасининг касалликларидан биратўла халос бўласиз!

Аёл. Сузак касалликлари, эркаклардаги простатит, аёллардаги миома, ҳар икки жиснсдаги тутқаноқ, сийиб қўйши касалликларни даволашда самарали даво!

Чорқараскчи йигит-қизлар қарсак чалганча “Гуанжоу дорилари”, “Гуанжоу дорилари” деб жўровозликда қийқириб ўтишади ва реклама тугаб, саҳнада қотиб қолганлар яна жонланишади.

Тоштемир, Пардавой, Киши ва Мурод саҳнага кириб келишади. Уларни сўрига ўтказишади. Хизматчилар уларнинг олдига дастурхон тўшаб, ноз-неъматлар билан тўлгазиб ташлашади ва Муроднинг қўлига қўярда-қўймай ярим қулоч келадиган қўй сонини тутқазишади. Шу чоқ движок тариллаши тўхтаб, чироқ учади, қоронгилик қоплайди, қий-чув кўтарилади ва тинади.

Саккизинчи кўриниш

Саҳнада Мурод биринчи кўринишдаги аҳволида кўринади. У елкасига халта осиб олганидан узоқ сафарга ёки дам олишига отлангани билиниб туради. Йўл четида ухлаб қолгандек тўсатдан чўчиб тушади. У ёқ-бу ёққа қарайди. Теварак-атрофга аланглайди. Қўлидаги ярим қулоч келадиган қўй сонига ажабланиб қарайди. Бош чайқайди. Унинг қаёқдан келиб қолганини сўрамоқчи бўлгандек томошабинларга кўрсатганча саҳна ўртасида ёлғиз ўзи қотиб қолади.

Парда